

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 68 — 71 (3146—3149)

1998 йил 19 июнь, жума

Баҳоси эркин нарҳда

21 июнь — Тиббиёт ходимлари кўни

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАМАН

Ички ишлар вазирлиги тизимида масъулиятли вазифани адо этиб келаётган азиз саломатлик посбонлари! Сизларни Тиббиёт ходимлари байрами билан самимий муборакбод этаман.

Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда ички ишлар идоралари, умуман, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Республикамиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида нишонланаётган касб байрамингиз кўнгилдагидек ўтиб, ҳар бирингизнинг хонадонингиздан тинчлик, осойишталик, тотувлик ва кут-барак аримасин.

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Тиббиёт ходимлари байрам арафасида бу соҳада амалга оширилган хайрли ишларни тилга олиб ўтиш жоиздир. Кейинги пайтдаги ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси ички ишлар идоралари ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш учун бор имкониятлардан фойдаланаётганининг гувоҳи бўламиз.

Яқингинада Оролбўйи минтақасидаги қийин экологик муҳит инobatга олиниб, Урганч шаҳри марказида 60 ўринли, ички аъзолар ва асаб хасталикларини даволайдиган тиббиёт маскани фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда бу ерда Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ўз саломатликларини тиклашапти.

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ госпитали дунёда энг нодир ҳисобланган компьютерли томограф қурилмаси билан таъминланиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда барча ташкилий ва молиявий масалалар ҳал этилди. Бундай қулайлик яратилгач, ички аъзолар касалликларига ташҳис шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон республикаси ИИБ ва Сурхондарё вилояти ИИБ тизимидаги поликлиникалар эса замонавий ультратовуш қурилмалари ва стоматологик ускуналар билан таъминланди.

Яна бир диққатга сазовор янгилик. Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда хайрли ишга қўл урилди. Пойтахтимиздаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари госпитали эндиликда вазирлик ихтиёрига ўтказилди. Бу ерда кенг кўламли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилгач, 230 ўринли касалхонани 540 ўринга кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА КЕЛИШИЛДИ



Кейинги пайтда республика Ички ишлар вазирлигининг хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан алоқаси ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича тузилган икки томонлама манфаатли шартномалар ўз амалий натижаларини бераяпти.

Яқинда вазирликда Ўзбекистон республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қи-

лиш тўғрисида Ҳукуматлараро битимнинг имзолангани фикримизнинг далилидир. Икки мамлакат ҳукумати томонидан мазкур ҳужжат-

ни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов ва Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б. Конечки имзоладилар.

Битимни имзолаш пайтидаги фикр алмашув чоғида икки мамлакат ўртасида жиноятчиликка қарши курашга

мустақкам асос солинган, эндиликда уни икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида расмий ва муайян ахборотларни алмашиш, махсус ва криминалистика техникаси билан таъминлаш, мутахассислар тажриба алмашишини йўлга қўйиш ва бошқа аниқ вазифалар билан бойитилишига замин яратилганига ишонч билдиришди.

Битимни имзолашда Ўзбекистон Республикаси ИИБ қатор бошқармаларининг раҳбарлари, Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби З. Кочишова иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.
Суратда: битимни имзолаш пайти.

А. САПАРМАТОВ
олган сурат.

ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛСИН

«Ҳосил-98»

Мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишларнинг инсон манфаатлари, унинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Ҳар қандай ишнинг муваффақияти эса мамлакат тинчлиги ва осойишталигига боғлиқ. Элда тинчлик, осойишталикни сақлаш ички ишлар ходимларининг зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Ходимларимиз ана шу масъулиятли вазифани бажаришда бутун куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда хизмат қилмоқдалар.

Туман ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан кенг қамровли тадбирларни ўтказиш ўз самарасини бермоқда. Натижада содир этилган жиноятлар 1997 йилнинг шу даврига нисбатан камайди, уни очиш миқдори яхшиланди.

Бундан ташқари, бўлим ходимлари туман ҳудудида экилган бўғдой, арпа экинларининг пайҳон бўлишини ҳамда ёнғин хавфининг олдини олиш мақсадида кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Тумандаги галла экилган жамоа хўжалиқларига бўлим ходимлари

биркитилиб, тузилган режалар асосида иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда 1997 йилда етиштирилган галла ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга сотиш давомида аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга тўхталиб ўтиш даркор. Утган йили қишлоқ хўжалик экинларини уй ҳайвонлари томонидан пайҳон қилинганлиги бўйича бир юз элликдан ортиқ факт аниқланиб, айбдорлардан жарима ундирилди.

Бундан ташқари галла ва дон маҳсулотларини уриб олиш ва ташиниш давомида талон-торож қилганликларини учун элликка яқин шахс аниқланиб, уларга ҳам туман суди томонидан жарима солинган.

Жорий йилда туманнинг 11175 гектар ерига галла экинлари экилган, улардан ўрта ҳисобда 26815 тонна дон етиштирилиб, шунинг 15567 тоннаси давлатга топширилиши лозим. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳозирги кунда жойлардаги жамоа хўжалиқларида кузатув постлари тузилиб, дала қоровуллари, отлар билан таъминланди.

Галлани уриб олиш ва давлатга сотиш давомида ўғирлик, талон-торожликнинг олдини олиш мақсадида туманнинг Каттакўрғон ва Қорадарё зонасида доимий ҳаракат гуруҳи тузилди ва аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан қонуний чоралар куриб, тергов ишларини олиб бориш юклатилди.

Бундан ташқари, тумандаги галлани уриб, давлатга сотиш борасидаги ишларнинг масъулиятини ҳис қилиб, доимий тунги постлар ташкил қилинди.

Шу кунга қадар хо-

димларимиз қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши бўйича элликдан ортиқ фактни аниқлаб, айбдорлар суд орқали 33 минг сўм жарима тўладилар.

Бўлим участка вакиллари томонидан галлани уриб-йиғиб олишга жалб қилинган барча турдаги техника воситалари ва галла қабул қилиш жойлари тулиғича текширилиб, аниқланган камчиликлар уз вақтида барта раф қилинди.

Бутун диққат-этибор етиштирилган галла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, бета лафот ва ўз вақтида йиғиштириб олишга қаратилмоқда.

Ризқ-рўзимиз бўлган галлани йиғиштириб, юзимиз ёруғ, дастурхонимиз тулик бўлиши ўзимизнинг ҳалол меҳнатимизга боғлиқ.

**Жозил
ТУРСУНОВ,**
Каттакўрғон
туман ИИБ
бошлиғи,
милиция
подполковниги.



Muqaddas dargoh 7

1998 yil - Oila yili

Namunali oila: u qanday bo'lishi kerak?

KO'NGIL KO'NGILDAN SUV ICHAR

Мухтор Султонов, истеъфодаги милиция генерал-майори:

— Яқинда танишларимдан бирини йўқлаб борсам, узокдан меҳмонлар келган экан. Чақ-чақлашиб ўтириб, меҳмонларга, танишимга жуда ҳавасим келди. Маълум бўлишича, бу икки оиланинг борди-келди, таниш-билишлиги аввалги асрга бориб тақаларкан. Икки киши, бири тошкентлик иккинчиси эса қашқарлик бўлиб, муқаддас ҳажга борганда учрашиб қолишади. Амалларни бажариб, уйга қайта туриб тошкентлик киши танишини уч-тўрт кун меҳмон қилиб, кейин кузатиб қўяди. Улар жуда қадрдон бўлиб кетадилар. Борди-келди бошланади. Бу иноқлик уларнинг фарзандларига қолади. Анъана давом этиб, авлоддан-авлодга ўта бошлайди. Айни кунларга келиб ҳам тез-тез бўлмаса-да, хат-хабарлашиб туришаркан. Имкон топилиб қолса, уч-тўрт нафар бўлиб, йўқлаб келишаркан. Ҳожи оталарнинг авлодлари юз-икки юз кишидан ортиб кетган.

Ҳоҳида айрим кишиларнинг ўз оға-инисидан, жигаргўшасидан юз угириб кетаётганини кўриб-эшитиб, ёқа уш-

лайсан. Наҳотки инсон ўз-лигини йўқотса. Арзимаган баҳона, сабаб билан ўртадан диёнат, оқибат кўтарилса. Узоқ яқиндан қариндошларни кутиб, қувониб юрган кишилар, бахтли деб ўйлайман. Чунки, кимдир сени йўқлаб келса, демак сени эсга олишяпти, сени ҳурмат қилишяпти. Халқимизда кўнгил кўнгилдан сув ичади, деб бежиз айтишмайди. Оилалар мустаҳкам бўлиши учун қариндош-уруғлар, таниш-билишлар билан алоқани узмасдан, кўнгил ришталарини маҳкамроқ боғлаш керак. Ҳоҳида иш, юмуш деб, узоқ-яқин қариндошларни кўп вақт йўқлай олмаймиз. Лекин имконини топса бўлади. Энг муҳими, кишида. Муҳаммад пайгамбаримиз ҳадисларида айтилганидек, қариндош-уруғларга нисбатан силайи раҳм бўлиши керак. Уни эса фарзандлар давом эттириши учун йўл очиб берилиши, талаб қилиниши лозим.

Инсонга ақл-заковат, меҳр-муҳаббат каби улуг хислатлар ато этилган. Уни бойликка, яна аллақандай ўткинчи ишларга эмас, инсонларга, кўни-қўшни, қариндош-уруғ, фарзандларга бағишлаш лозим.

Yaxshi xabar

KEKSALARDAN DUO OLISHDI

Yangiyo'l tumanidagi Qo'shyog'och qishloq fuqarolar yig'ini hududida yashaydigan er-xotin nafaqaho'r Axmedshinlar xonadoni qattiq yomg'ir yoqqani tufayli suv toshib ketadi. Qariyalar yordam so'rab qishloq fuqarolar yig'iniga borishadi. Tabiiy ofatdan zarar ko'rganlarga yordam berish uchun yetib kelgan tuman IIB DANB xodimlari A. Farmonqulov, M. Davronov, B. Zokirjonovlar maxsus mashina yordamida Axmedshinlar hovlisidan yomg'ir suvlarini tortib olib, chiqib tashlashdi. Qariyalar miliciya xodimlarining bu yordamidan minnatdor bo'lib, duo qildilar.

...va aksincha

LA'NAT OLDI

Namangan viloyatining To'raqo'rg'oh tumanidagi Shaxand fuqarolar yig'ini hududida yashovchi nafaqaho'r S. Boborahimov bozorga borib ul-bul xarid qilib keladi-yu uydagi ahvolni ko'rib qo'rqib ketadi va og'rini la'natlay ketadi. Noma'lum shaxslar kuppa-kunduz kuni uyning qulfini buzib, xonalarni alg'ov-dalg'ov qilib, oltimish besh ming so'mlikdan ortiq mol-mulkni shilib ketishgandi. Miliciya xodimlari o'q'rilarini ushlab, tegishli choralar ko'rishdi.

O'z muxbirmiz.



«Элим деган, юртим деган болаларим кам бўлмасин!»

СУРАТДА: милиция подполковниги Мухторхон Ортиқов ва милиция майори Муродхон Ортиқов оналари билан.
Б. КЛЕЙМАН олган сурат.

Muharrirga maktub

MEN YANGLISHGAN EKANMAN!

Хурматли муҳаррир! Яқинда оиламиз бошига оғир мусибат тушди. Фарзандимиз Кўчқор оилада яхши ота эди. Маҳаллада бўладиган ҳар қандай маросимларда фаол қатнашиб, халқ оғзига тушириб қолганди. Айниқса, унинг камтарлиги, маҳалладаги ёшу қарилар билан бир хил муомалада бўлиши бизни ва унинг келажига кузатикиб ўсаётган фарзандларини жуда-жуда кўвонтирарди. Эртанги кунга бўлган ишончимиз ортиб, оиладаги аҳиллик гуллаб-яшнардди.

Бироқ...

30 мартдан 31 мартга ўтар кечаси ўғлимиз Кўчқор божасиникида эди. Томорқага қандай экин экиб, қайси кўчатларни кўпайтириш борасида маслаҳатлашадиди-да, чарчаганини айтиб, уйига қайтади. Дарвозани қулфлаб, хонасига кириб ухлайди.

Тун ярмида юзига ниқоб тутган уч барзанги дераза оша Кўчқор ухлаб ётган хонага бостириб қиради. Дастлаб хотинининг қўл-оёқларини боғлайдилар. Сўнг Кўчқорнинг ҳам қўл-оёқларини боғлаб, ундан АҚШ доллари талаб этишади.

Пул, текин бойлик ишқиде ёнган қонхўрлар уйдан доллар тополмагач, Кўчқорнинг саккиз жойига пичоқ уриб, оғир яралайдилар. Фарзандимиз эса шу аснода айни ўйнаб-қуладиган даврида жон таслим қилди. Нафақат бизнинг оила, бутун Туябўғиз маҳалласи ари инидек тўзғиб қолишди. Ҳамма-нинг юрагида ваҳима.

Қотил ким? Босқинчилар қаерлик? Улар энди кимнинг шўрини кўритмоқчи? Биронта из қолдирмаган жиноятчиларни милиция ушлай оладими?

Бу саволлар ҳар бир маҳалладошимизнинг юрагига хавотир солиб, оромимизнинг йўқолишига сабаб бўлди десак, ишонинг.

Лекин, биз ҳам, маҳалладошлар ҳам беҳудага ваҳимага тушган эканмиз. Тонг отар-отмас, уйимизга Тошкент вилояти ИИБ бошлиги, ички хизмат генерал-майори Равшан Ҳайдаров ўз уринбосарлари ва маҳаллий раҳбарлар билан кириб келдилар. У кишининг тезкор тадбирлари ва маслаҳатлари билан ўргатилган ҳид олувчи итлар ҳам келтирилди. Турли туман ва бошқармадан тажрибали, суяги мили-

цияда қотган ходимлар чақирилиб, қидирув ишлари бошлаб юборилди. Ёши бир ерга бориб қолган, айниқса, фарзанд дардини чекаётган ота учун ёлгон гапириш уят бўлади.

Генерал бошчилигидаги ходимлар Туябўғиздаги участка вакилининг хонасини ўз уйларидек билиб, туну кун ўша ерда бўлишди. Шубҳали шахсларни топиб, суҳбатлар ўтказишди. Нимасини айтмай, умриндан барака топқурларнинг чироғи тун бўйи ўчмади.

Ниҳоят, уларнинг тажрибаси, ақл билан иш юритиши ва йиллар мобайнида тўплаган иш услублари натижа бериб, калаванинг учи топилди. Ўғлимнинг уйига ниқоб кийиб, босқинчилик қилган ва ёш умрига зомин бўлган безорилар ушланди. Уйлаймизки, улар адолатли қонун олдида жавоб бериб, тегишли жазони оладилар.

Қариндош-уруғларим орасида милиция ходимлари бўлса-да, гоҳо уларнинг ишини баҳолашда айрим камчиликларга йўл қўйиб, хизматларини енгил деб юрарканман.

Энди бўлса, уларнинг иши ниҳоятда оғир эканлигини, туну кун уй ва оиласидан ажралиб, меҳнат қилишларини кўриб, фикрим ҳам, қалбим ҳам уларга нисбатан ўзгарди.

Айниқса, генерал одам ўз уринбосарлари билан хонадонингга келиб, оғир дамларингга

кўнгил сўраб, мусибатингга шерик бўлиб, ҳамдардлик билдирса, киши қалбини ўртаётган, азоб бераётган, ҳар қандай дарднинг ҳам тафти босилар экан. Мен шундагина бу инсонлар ҳам ўзимиздек оддий, ўзимиздек самимий қўлидан тупроқ ҳиди анқиб, бола-чақа ташвишида қўлига кетмон ушлаб келган оддий деҳқон фарзандлари эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Хурматли муҳаррир! Мен ёши бир ерга бориб қолган инсонман. Газетангиз орқали ўзларида юксак инсоний фазилатларни мужассамлаштирган, энг муҳими, оғир дамларда кўнгил сўраб, дардимга малҳам бўлган Тошкент вилояти ИИБ бошлиги Р. Ҳайдаров ва унинг уринбосарлари Т. Бойматов, Э. Эркаев, Ўртачирчиқ тумани ИИБ бошлиги Н. Норбеков ва унинг уринбосари Ш. Аҳмедовларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман.

Начора, ҳаёт турли ҳодисаларга бой дейишади. Яхшилик бор ерда ёмонлик ҳам учраб экан. Бироқ атрофимизда, айниқса, қонун ҳимоячилари орасида шундай бағри кенг, сахий инсонлар бор экан, албатта яхшилик тантана қилиб, ҳаётимиз фаровон бўлишига ишонман.

МЕНГЛИБОЕВЛАР
ОИЛАСИ.

